

# **ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРНИНИ ЖАМОАТ ХАВСИЗЛИГИГА ТАЪСИРИ**

Ҳаммамиз орзу қилиб кутаётган Янги йилнинг кириб келишига, қишки таътил бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Болаларни арча атрофида бўладиган байрам тадбирлари кутиб турибди. Албатта, бундай байрамлар турли хил пақилдоқлар, минифеерверкларсиз ўтмайди. Энг ёмони, ушбу воситаларнинг фарзандларимиз соғлиғига, ҳаётига хавф туғдиришидр. Пиротехника воситалари савдосига қарши курашиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда, яқинлашиб келаётган Янги йил байрамини тинч-осойишта ўтказиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Бироқ, баъзида нафақат болалар ва уларнинг ота-оналари, балки бундай тадбирларнинг ташкилотчилари ҳам сифақиз пиротехника воситалари ёки улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик инсон соғлиғи, ҳатто ҳаёти учун жиддий хавф солиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмайдилар. Пиротехника воситалари савдосидек ноқонуний фаолият билан шуғулланувчиларни бозорларда, савдо расталари, дўконлар, таълим муассасалари ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда учратиш мумкин. Шу боис сўнги йилларда Ўзбекистонда пиротехника буюмларидан фойдаланишни тартибга солиш, бу борадаги тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бежиз буни ноқонуний, деб атаётганимиз ёқ. Чунки “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника буюмлари муомаласини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишга доир қўшимча чора-тартиблар тўғрисида”ги қарори билан “Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги Низом тасдиқланган.

## **МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАРИ**

Сўнги йилларда янги йил байрами кунларида пиротехник воситалар билан куйиш жароҳатини олишни назорат қилиш мақсадида доимий статистика олиб борилмоқда. Натижалар шуни кўрсатадики, сўнги йиллар мобайнида жамоат хавфсизлиги орган ходимлари томонидан олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида бу турдаги жароҳатланишлар кескин камайган. Агарда бундан 5-6 йил аввал янги йил кириш кунларида пиротехника воситалар билан куйиш жароҳатларини олиш жуда кўп кузатилган бўлса, бу йил бундай мурожаат қилганлар бўлмади. Аксарият ҳолатларда ушбу буюмларни ўсмирлар ва ёш

болалар сотиб олиб, кўчалар ва бошқа жамоат жўйларда тўсатдан портлатишади. Бунинг оқибатида йўловчилар, айниқса, кексалар чўчиб кетишади, уларнинг асаби бузилади. Бази пайтларда эса тан-жарохати олиш, ёнғин келиб чиқиши, хатто бошақаларнинг ўлими билан боғлиқ баҳдиз ҳодисалар ҳам юз бериши мумкин. Валхоланки перотехника буюмларини сотувчилар буни, қолаверса, мазкур юқори потенсиал хавфга эга бўлган воситалар биринчи навбатда уларни ишлатувчи болалар ва ўсмирлар учун жиддий таҳдид туғдиришини яхши билишади шунга қарамасдан ўзларини моддий манфатларини бошқаларнинг соғлиғи, хатто ҳаётидан устун қўйишади Пиротехника воситаларини жамоат хавфсизлиги таъсирини олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан пиротехника воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиясиз пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддаси билан пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 250-моддада (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган, ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланиши кўзда тутилган. Яқиндагина жиноятчиликни олдини олиш ва уни камайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жихатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш сифатида фармон имзоланди. Бунга биноан вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларини

самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш уларни тўғри тарбиялаш жиноятчиликни камайтириш энг устувор мақсад сифатида тасис этилди.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган ушбу қонун пиротехника буюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишни таъминлайди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши эса жамоатчилик хавфсизлигини таъминлаш шунингдек, турли маданий-томошабоп тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя этишни таъминлашга хизмат қилиши ҳамда Жамоат хавфсизлиги концепсиясида 2022-2025- йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига биноан жамоат тартибини сақлаш шу жумладан оммавий тадбирларни ўтказишга жалб қилинадиган вазирлик ва идоралар куч ва воситаларининг биргаликдаги ҳаракатланиш алгоритимни ишлаб чиқиш ва уни доимий такомиллаштириш тартиби. Жамоат хавфсизлигини фаолиятига замонавий шакл ва иш усулларини ҳамда илғор ахборот технологияларни кенг жорий этиш тасис этилди аҳоли саломатлигини сақлаш ёш авлодни ёмон иллатлардан асраб авайлаш оммавий тадбирларни ўтказишда жиноятчиликни олдини олиш керак

**туман**  
**О.К.Жуманов**

**Жинорят ишлари бўйича Узун**  
**судининг раиси**